



# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
MILLIY DEMOKRATIK PARTIYASI  
INV. №

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИЖТИМОИЙ-СИЙOSIY GAZETA

SHU AZIZ  
VATAN —  
BARCHAMIZNIKI!

● 2009-yil ● 1-oktabr ● Payshanba ● 117 (30.078) ● www.uzbekistonovozi.uz ● 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

## ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Мухтарам муаллим ва мураббийлар!  
Қадри устозлар!  
Авваломбор, сизларни умумхалқ байрами —  
Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин  
қалбимдан муборакбод этиб, барчангизга ўзим-  
нинг чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни билдириш-  
дан бахтиёрман.

Бугун сиз, азизларнинг — кўз нури ва қалб  
қўрини, бор билим ва тажрибасини ёш авлод  
тарбиясига бағишлаб, маърифат заёсини тара-  
тиб келаётган фидойи инсонларнинг шаънига  
самимий тилакларимизни изхор этишни ҳар би-  
римиз учун ҳам қарз, ҳам фарз деб биламиз.

Хурматли ватандошлар!  
Шу ойнинг бошида бугун халқимиз барчамиз  
учун энг улуг ва энг азиз бўлган миллий байра-  
мимизни — Ватанимиз мустақиллигининг 18 йил-  
лигини катта завқ, гурур ва ифтихор билан ни-  
шонлади.

Бундан 18 йил олдин халқимиз ўз тақдирини  
ўз қўлига олиб, асрлар давомида орзиқиб кут-  
ган эркинлик ва озодлигини қўлга киритиб, ўз  
олдига ҳеч кимдан ҳам бўлмайдиган мустақил  
демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш,  
юртимизда тинч-осойишта ва фаровон ҳаёт бар-  
по этиш, халқро майдонда муносиб ўрин эгал-  
лаш каби улуг ва эзгу мақсадларни қўйиб, ўзи-  
мизга хос ва ўзимизга хос тараққиёт йўлини  
танлаб олди.

Ўтган йиллар мобайнида Ватанимиз эришган  
ютуқ ва марраларни сарҳисоб қилар эканмиз,  
тарихан қисқа бир даврда юртимизнинг, шаҳар  
ва қишлоқларимизнинг қиёфаси тобора ўзга-  
риб, чехраси обод бўлаётганини, иқтисодийте-  
миз янги босқичга кўтарилди, тез суръатлар билан  
ривожланаётганини, турмушимиз, ҳаёт тар-  
зимиз юксалиб бораётганини кузатиб, диёри-  
мизда яшаётган ҳар қайси инсон ўзи ва оиласи  
мисолида биз танлаб олган йўлнинг, қандай оғир  
ва машаққатли бўлмасин, нақадар тўғри экани-  
ни кундалик ҳаётида сезиб, унинг натижалари-  
дан баҳраманд бўлиб бормоқда.

Шуни таъкидлаш кераки, биз ўз мақсадлари-  
мизга эришиш учун осон йўлни қидирмадик.  
Турли хил енгил-елпи маслаҳат ва зугумларга  
берилмасдан, вазминлик ва қатъият билан эски  
тизимдан қолган асоратлардан воз кечиб, чуқур  
ўйланган сиёсий ва иқтисодий ислохотларни  
амалга ошириш, биз учун бутунлай янги жамия-  
тнинг бунёд этиш йўлида астойдил, бир тану  
бир жон бўлиб меҳнат қилдик.

Авваломбор, ўз кучимиз ва имкониятларимизга  
суяниб, ер ости ва ер усти бойликларимиз, та-  
биий захираларимизни халқимиз ва келажак ав-  
лодимиз манфаатлари йўлида оқилона ишлат-  
дик. Жаҳондаги ривожланган давлатлар тажри-  
басини ўрганиб, уларнинг техника ва техноло-  
гияларини олиб келиб, ишлаб чиқаришни мо-  
дернизация қилиш ва янгитдан қуришга, давлат  
бошқаруви, иқтисод ва молия тизими соҳасида  
ҳаётнинг ўзи талаб қилаётган янгиланиш ва ўзга-  
ришларни амалга оширишга эришдик.

Мухтасар айтганда, қонунчилик тизими бўла-  
дими, ижро ва суд-ҳуқуқ тизимининг марказий  
ва ҳудудий бўғинларини шакллантириш бўлади-  
ми, юртимизни ҳимоялаш, сарҳадларимиз дахл-  
сизлигини сақлаш, халқимизнинг осуда ҳаётини  
мустаҳкамлаш масаласида давлатни давлат, жамия-  
тнинг жамият қиладиган, замонавий тараққиёт  
учун сув билан ҳаводек зарур бўлган барча сиё-  
сий-ижтимоий тузилмаларни яратдик.

Шу борада муҳим бир масалага эътиборин-  
гизни қаратмоқчиман.  
Мамлакатимизда барпо этилган ана шу ту-  
зилмаларнинг тўлақонли фаолият юритиши, мил-  
лий манфаатларимизга хизмат қилиши учун  
уларни янгиға фикрлайдиган, замон талаб-  
лариға жавоб берадиган юксак малакали кадрлар  
билан таъминлаш, Ўзбекистоннинг мустақил дав-  
лат бўлиб шаклланиш даврида бизнинг олди-  
мизда турган энг оғир, энг мураккаб, шу билан  
бирга, энг нозик масала бўлганини, уйлайман-  
ки, тушуниш қийин эмас.

Биз бошлаган ишларнинг давомчиси бўлган, жис-  
моний ва маънавий баркамол авлодни тарбия-  
лашдек ўта муҳим ва долзарб вазифа айнан сиз  
азизларнинг — минг-минглаб мактабларимизда,  
лицей ва коллежларимизда, олий ўқув юртли-  
ри-мизда фаолият кўрсатаётган фидойи ўқитувчи ва  
домларнинг зиммасига тушганини ва сизлар бу  
вазифани бутун борилингизни бағишлаб, катта  
масъулият билан адо этиб келаётганингизнинг  
аҳамияти ва моҳиятини бугун вақт ўтиши билан  
барчамиз тобора чуқур англаб етмоқдамиз.

Биз истиқлолимизнинг дастлабки кунларида-  
ноқ ёш авлод тарбиясига алоҳида эътибор бе-  
риб, бу масалани давлат сиёсати даражасига  
кўтариб, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва  
Мақтаб таълимини ривожлантириш умуммиллий  
дастурини қабул қилганимиз ва ҳозирги вақтда  
уларни яқиниға етказиб, бу борада ҳеч нарса  
билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайдиган мислсиз  
ишларни амалга оширганимиз, ҳеч шубҳасиз,  
Ватанимиз тарихида албатта сақланиб қолади.

Бу ишларнинг миқёси ва кўлами, даражаси ва  
моҳиятини ўзимизга тасаввур қилиш учун баъзи  
бир рақамларни олиб келишни ўринли деб би-  
ламан.

Биргина Мақтаб таълимини ривожлантириш  
дастури доирасида сўнгги тўрт йил мобайнида  
8 минг 500 та мактабда қурилиш ва ободон-  
лаштириш ишлари амалга оширилди. Янада  
аниқроқ айтадиган бўлсак, юртимизда 351 та  
мақтаб биноси янгитдан барпо этилди, 2 минг  
470 та мактаб биноси ва уларнинг муҳандис-  
лик-коммуникация инфратузилмаси капитал  
реконструкция қилинди, 3 минг 607 та мактаб ка-  
питал, 2 минг 72 та мактаб эса жорий таъмир-  
дан чиқарилди.

Айни пайтда мактабларимизни замонавий  
ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер тех-  
никаси, дарслиқлар ва ўқув-услубий воситалар  
билан жиҳозлаш масаласида ҳам кенг қўламли  
ишлар амалга оширилмоқда. Буни физика, кимё,  
биология фанлари бўйича лаборатория хонала-  
рининг сони 2004 йилга нисбатан уч баробар-  
дан зиёд, спорт залларининг сони эса 1,5 бар-  
обардан ортқ кўпайгани ҳам тасдиқлайди.

Ҳақиқатан ҳам, ниҳоятда улкан, тарихий аҳамия-  
ятга эга бўлган триллион Дастурнинг ижроси бўйи-  
ча қарийб 1,5 триллион сўм маблағ сарфланган-  
ни инobatта оладиган бўлсак, ўтган қисқа давр  
мобайнида биз бу соҳада қандай катта қадам  
қийганимиз яққол аён бўлади.

Ана шундай ишларимиз қаторида ўн икки йил-  
лик узлуксиз таълим тизимини жорий этиб, воғна  
етган болаларимизни ҳаётга тайёрлаш, уларга  
касб-хунар ўргатиш мақсадида биз учун мут-  
лақо янги бўлган касб-хунар коллежлари ва ака-  
демик лицейлар тизимини ташкил қилганимиз  
мамлакатимизда ушбу соҳа ривожига алоҳида  
ёрқин саҳифани ташкил этади, десак, айни  
ҳақиқатни айтган бўламиз.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига биноан  
юртимизда 1997 йилдан бошлаб ҳозирга қадар  
2 триллион 368 миллиард 730 миллион сўм маб-  
лағ сарфлаб, 1364 та касб-хунар коллежи, 137  
та академик лицей бунёд этганимиз барча узоқ  
ва яқин қўшилариимизнинг, жаҳон ҳамжамияти-  
нинг эътибори ва ҳавасини ўзига тортаётгани  
албатта бежиз эмас. Замонавий юксак талаб-  
ларга ҳар томонлама жавоб берадиган ана шун-  
дай таълим масканларини битириб, бугунги кун-  
да ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, бошқа-  
рув, ижтимоий соҳалар ва бошқа жабҳаларда  
меҳнат қилаётган, эртанги кунга катта ишонч  
билан қараб яшаётган 1 миллион 446 минг на-  
фар ёшларимиз бугунги ҳаётимизда юз бераёт-  
ган бекиёс ўзгаришларнинг яққол далилидир.

Кейинги йилларда соҳада ҳодимлар меҳнатига  
ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш, ўқитувчи-  
лар меҳнатини муносиб рағбатлантириш мақса-  
дида қабул қилган қарорларимиз аввало педа-  
гогларнинг профессионал малакасини, уларнинг  
изланиш ва ташаббускорлик фаилатларини юк-  
салтиришга, ўқув-тарбия жараёнининг сифати ва  
самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Мухтарам дўстлар!  
Мана шундай байрам кунларида биз муста-  
қиллик йилларида ҳар қандай оғир синов ва  
қийинчиликларга қарамасдан, бошлаган исло-  
хотларимизни изчил давом эттириш, юртимиз-  
нинг ривожланган мамлакатлар қаторидан жой  
олишига эришиш йўлида қилган ишларимизга  
холисона баҳо бера эканмиз, бир фикрни таъ-  
кидлаб айтишни ўринли деб биламан.

Биз амалга ошираётган барча ўзгариш ва и-  
слохотларнинг муваффақиятини таъминлайдиган,  
уларга улкан таъсир ўтказадиган ўта муҳим бир  
омил борки, у ҳам бўлса, шу заминда яшаётган  
одамларнинг дунёқараши, онгу тафаккури, сиё-  
сий, ҳуқуқий ва маънавий савияси, ижтимоий  
фаоллигининг юксалиши билан узвий ва чам-  
барчас болгидир.

Бутун жамиятимиз ҳаётини тубдан янгилан-  
нинг ассосий шарт ва гарови бўлиши бу маса-  
лани ўз навбатида таълим-тарбия тизимини  
ўзгартирмасдан туриб ечиб бўлмаглигини чуқур  
англаган ҳолда, биз ҳал қилувчи аҳамиятга эга  
бўлган бу вазифани адо этиш учун бор куч-ғай-  
ратимиз, имконият ва салоҳиятимизни сафар-  
бар этмоқдамиз ва келажакда ҳам бу масала  
доимий эътиборимиз марказида туриши шарт.

Бу хулосанинг яна бир тасдиғини бугун, дунё  
миқёсида молиявий-иқтисодий инқироз чуқур-  
лашиб бораётган бир пайтда мамлакатимизда  
барқарор ўсиш суръатларини сақлаб қолишга  
эришаётганимиз негизида айнан таълим-тарбия  
соҳасида амалга оширган ишларимиз мустаҳ-  
кам пойдевор бўлиб турганини кўриш, англаш  
қийин эмас.

Фурсатдан фойдаланиб, таълим соҳасининг  
оғир, айни пайтда шарафли юқини ўз елкасида  
кўтариб келаётган, менинг энг яқин маслақдош  
ва кўмакчиларим бўлган сиз, азиз муаллимлар-  
га халқимиз номидан чуқур миннатдорлик бил-  
диришни ўз бурчим деб ҳисоблайман.

Сизларни кутлуг байрамимиз билан яна бир  
бор табриклаб, барчангизга сийҳат-саломатлик,  
бахту саодат, хонадонларингизга тинчлик ва  
фаровонлик тилайман.

Ҳеч қачон кам бўлманг, умрингиздан барака  
топинг, азиз устозлар!

Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### ИТАЛИЯНИНГ МИЛАН ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛГАН БОКС БЎЙИЧА XV Жаҳон чемпионатида муваффақиятли иштирок этган Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоларининг бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

Бокс бўйича жаҳон биринчилигида юртимиз шаънини му-  
носиб ҳимоя қилиб, мардлик ва жасорат намунасини на-  
моён этгани, мамлакатимизнинг халқро майдондаги обрў-  
эътибори ва нуфузини ошириш, ёш авлодни жисмонан соғ-  
лом қилиб тарбиялаш, ўзбек бокс мактаби аъналарини  
янада юксалтиришга қўшган улкан ҳиссаси учун куйидаги-  
ларга фахрий унвонлар берилсин:

#### «ЎЗБЕКИСТОН ИФТИХОРИ»

**Атоев Аббос Абдураззоқович** — Бухоро вилояти 2-бо-  
лалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактабининг  
бокс бўйича мураббийи, бокс бўйича Ўзбекистон миллий  
терма жамоаси аъзоси

#### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КўРСАТГАН СПОРТЧИ»

**Махмудов Ботиржон Баҳодирович** — Бокс бўйича Ўзбе-  
кистон миллий терма жамоаси аъзоси

#### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КўРСАТГАН СПОРТ УСТОЗИ»

**Бойматов Набижон Шарипович** — Қўқон шаҳридаги  
1-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бокс бўйича  
мураббийи

**Сиддиқов Уйғун Патхиллоевич** — Марказий ҳарбий  
спорт клубининг бокс бўлими бош мураббийи, бокс бўйича  
Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийи

Мамлакатимизда оммавий спортни, хусусан, боксини  
тарғиб қилиш йўлидаги жонқуярлиги, ёш авлодни Ватан-  
га муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларни ҳар томонлама  
баркамол этиб воғна етказишдаги салмоқли ҳиссаси ва

кўп йиллик самарали фаолияти учун куйидагилар муко-  
фотлансин:

#### «ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

**Худойбердиев Шароф Босимович** — Яқкама-яқка ку-  
раш бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг  
бокс бўлими бош мураббийи, бокс бўйича Ўзбекистон мил-  
лий терма жамоаси бош мураббийи

#### «МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

**Муҳамедов Олим Музафарович** — Бухоро вилояти мах-  
сус спорт мактаб-интернатининг бокс бўйича мураббийи, бокс  
бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси катта мураббийи  
**Расулов Элшод Юнусович** — Марказий ҳарбий спорт  
клуби спортчи-хизматчиси, бокс бўйича Ўзбекистон миллий  
терма жамоаси аъзоси

#### «ДўСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

**Абдуллаев Алишер Расулович** — Андижон Олимпия  
захиралари спорт коллежининг бокс бўйича мураббийи  
**Жалолов Абдувоҳид Ваҳобжонович** — Андижон Олим-  
пия захиралари спорт коллежининг бокс бўйича мураббийи  
**Султонов Баҳодиржон Марибжон ўғли** — Бокс бўйича  
Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

#### Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2009 йил 28 сентябрь

## ЎзХДП: устувор вазифалар

## ИЖРОҚЎМ ЙИГИЛИШИ

Кеча Ўзбекистон ХДП Марказий  
Кенгаши Ижроия қўмитасининг кен-  
гайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.  
Унда Ижроқўм аъзолари билан бир-  
га ЎзХДП минтақавий ташкилотлари  
раҳбарлари ҳам иштирок этдилар.

Йиғилишда партия Марказий Кен-  
гаши X пленумини ўтказиш ҳақида  
Ўзбекистон Халқ демократик партия-  
си ташкил топган куннинг 18 йил-  
лигига бағишланган тадбирларни  
ташқиллаштириш тўғрисидаги маса-

лалар кўриб чиқилди. Ижроқўм йи-  
ғилишида, шунингдек, Ўзбекистон  
ХДП марказий нашрлари — «Ўзбе-  
кистон овози» ва «Голос Узбекиста-  
на» газеталариға 2010 йил учун  
обунанинг бориши ҳақидаги масала  
муҳокама этилди.

Ижроия қўмита кўрилган барча ма-  
салалар юзасидан тегишли қарорлар  
қабул қилди.

## АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР

стратегиясини шунчаки маъқуллаш бугунги кунда етарли эмас, дея  
таъкидланди Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий  
Кенгашининг кеча пойтахтимизда бўлиб ўтган X пленумида



Пленум ишида Олий Маж-  
лис Қонунчилик палатаси-  
даги партия фракцияси,  
Олий Мажлис Сенати аъзо-  
лари, минтақавий партия  
ташқилотлари раҳбарлари,  
«Ўзбекистон овози» ва «Го-  
лос Узбекистана» газетала-  
рининг жойлардаги мухбир-  
лари, минтақавий партия  
нашрлари бош муҳаррирла-  
ри ҳамда бошқа оммавий  
ахборот воситалари вакил-  
лари иштирок этди.

Пленумда Ўзбекистон  
ХДП Марказий Кенгаши раи-  
си Латиф Фуломов мамла-  
кат минтақаларини комп-  
лекс ижтимоий-иқтисодий  
ривожлантиришнинг ҳудуд-  
ий дастурларини ишлаб  
чиқиш ва амалга ошириш-  
да фаол иштирок этиш,  
Ўзбекистон Халқ демократ-  
ик партиясининг стратегик  
сиёсий вазифалари ҳақида  
маъруза қилди.

— Ижтимоий вазифаларни  
тор доирада ечишдан  
долзарб ижтимоий муаммо-  
ларни комплекс ҳал этиш,  
яъни ижтимоий-иқтисодий  
ривожлантиришнинг ҳудуд-  
ий дастурларини ишлаб  
чиқиш, қабул қилиш ва  
амалга оширишда бевоси-  
та иштирок этишга ўттиш ке-  
рак, — дея таъкидлади партия  
етакчиси. — Яқин исти-  
қболда партиянинг дасту-  
рий мақсадларини ҳаётга  
таъбиқ этишда бу масала  
ЎзХДП сайланма органлари  
ва депутатлик гуруҳлари-  
нинг стратегик сиёсий ва-  
зифаси бўлмоғи даркор.

Муҳокамаларда сўзга чиқ-  
қан Ўзбекистон ХДП Мар-  
казий Кенгаши раиси ўрин-  
босари, Олий Мажлис  
Қонунчилик палатаси депу-  
тати Улугбек Вафоев, Сир-

дарё вилоят партия кенга-  
ши раиси ўринбосари,  
Олий Мажлис Сенати аъзо-  
си Ҳаётхон Ортиқбоева,  
Қонунчилик палатаси депу-  
тати Абдуманноб Раҳимов,  
Қорақалпоғистон республи-  
ка партия кенгаши раиси  
Назира Матёкубова, «Ўзбе-  
кистон овози» газетаси  
бўлим мудирини Бехзод Шу-  
куров, газетанинг Фарғона  
вилоят мухбири Муҳаммад-  
жон Обидов, Фарғона ви-  
лоят партия кенгаши раи-  
си ўринбосари Зиёдаҳон  
Абдуллаева, Сурхондарё  
вилоят партия кенгаши раи-  
си Ҳамро Эрматов, Шай-  
хонтохур туман партия кен-  
гаши «Истиқбол» ёшлар

каноти раиси ўринбосари  
Нодира Муродовалар ҳам  
ўртага ташланган масала-  
ларнинг турли жиҳатлари  
ҳақида ўз фикр-мулоҳаза-  
ларини билдирдилар.

Пленум Ўзбекистон Рес-  
публикаси Олий Мажлиси ва  
давлат ҳокимиятининг ма-  
ҳаллий вакиллик органлари-  
ға 2009 йилда бўлиб ўтади-  
ган сайловларда Ўзбекистон  
Халқ демократик партияси-  
нинг иштирок этиши ҳақида  
қарор қабул қилди. Партия-  
нинг сайловдаги кампания-  
сини самарали ташқил этиш  
юзасидан зарур ташқиллий ва  
мафқуравий чоралар белги-  
ланди.

Шунингдек, пленумда Ўз-

бекистон Халқ демократик  
партиясининг навбатдаги  
VII курултойини чақирши  
тўғрисида қарор қабул  
қилинди. Унда қонунчилик-  
да кўзда тутилган мuddат-  
ларда Ўзбекистон Респу-  
бликаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси депу-  
татлиғига номзодлар кўрса-  
тилади ва партиянинг Сай-  
ловолди платформаси  
қабул қилинади.

Пленумда билдирилган  
фикр-мулоҳазалар билан  
газетамизнинг навбатдаги  
сонида батафсил таниши-  
шингиз мумкин.

Ўзбекистон ХДП  
Марказий Кенгаши  
матбуот хизмати.



# БУГУН УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ — ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

Дунёда ҳаммамиз яхши кўрадиган, ҳурмат қиладиган, эъозлайдиган, ҳар доим алоҳида эҳтиром билан тилга оладиган бир зот бор. У устоз, у муаллим, у мураббий.

ши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ХДП фракцияси аъзолари, «Фаол аёллар» ва «Истикбол» ёшлар қаноти етакчилари, ёш авлодга таълим бераётган, уларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишида ўзи-

Давлат умуммиллий дастурининг қабул қилиниши, Президентимизнинг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари

зифани ҳолисона адо этиб келаётган ўқитувчи ва мураббийларни ҳар қанча эъозласак, ардоқласак арзийди. Чунки, мурғак қалблар саводни улар қўлида чиқаради. Ватанга муҳаббат, келажакка ишонч, устозларнинг таълим-тарбияси, ўғитлари ёрдами билан шаклланади. Зеро, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, «инсон қалбига йўл аввало таълим-тарбиядан бошланади. Шунинг учун ота-боболаримиз қолдирган меросни эгаллаш билан бирга, устозлар, мураббийлар меҳнатини ҳурмат билан тилга оламиз».

Тадбир давомида хизмат кўрсатган ўқитувчи ва мураббийлар Фахрий ёрликлар билан тақдирланди, уларга эсдалик совғалари топширилди. Санъат оламининг машҳур кишилари билан ижодий учрашувлар ва концерт дастурлари уюштирилди.

**Бехзод ШУКУРОВ,**  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

## МЕНИНГ БИРИНЧИ ЎҚИТУВЧИМ

**Тоҳир МАЛИК,**  
Ўзбекистон халқ ёзувчиси:



— Мен Тошкентдаги 4-мактабда ўқиганман. У пайтда бу даргоҳ «эрлар мактаби» дейиларди. Чунки қизлар бошқа мактабда ўқишарди. Мени мактабга боришим алоҳида бир тарих, бошқаларникига ўхшамайди. Биз мактабда яшардик. Дадам раҳматли мактабда ҳарбийдан дарс берарди. Менинг болалигим мактабда ўтган. У ерда дарс берадиган барча ўқитувчилар ўзимнинг акаларим-опаларимдек бўлиб кетишганди. Хоҳлаган синфга кириб дарсда қатнашарвардим. Шундай қилиб, хат-саводимни чиқарганман. Биринчи синфга олти ёшимда чиққанман. Бошида ўқиб юрарганман,

кейин расмийлаштириб қўйишган. Биринчи муаллимим албатта эсимда турибди. Исмлири Пўлатой опа эди. Тўлачадан келган, юзлари қулчадек, меҳрибон, ёқимли аёл эди. Доимо қулиб турарди. Болаларнинг ҳаммаси у кишини яхши кўришарди. У киши бизни 1-2 синфда ўқитдилар. Учинчи синфдан биз 130-мактабга ўтдик. У ерда 3-синфда Санобар опа, 4-синфда эса Суръат опа ўқитдилар.

Бошланғич синфларда ўқиган пайтимда эсда қоладиган қандайдир воқеа бўлмаган. Эсда қолиши учун ўқитувчи уришиши ёки шунга ўхшаган қандайдир бир вазият юз бериши керак. Менда бунақа ҳолат бўлмаган. Ҳаттоки ўқитувчимиз бошқа болаларни уришганларини ҳам эслаб олмаيمان. Бунинг сабаби ёки биз ростидан ҳам яхши ўқувчи бўлганмиз, ёки улар ҳақдан ташқари меҳрибон бўлишган.

Бошланғич синфда ўқитган уч нафар ўқитувчим ҳар доим эсимда. Уларнинг ҳақларига дуо қилиб юраман.

**Искандар ХЎЖАНОВ,**  
Тошкент Тиббиёт академияси травматология ва ортопедия кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор:



— 1967 йилда Булунғур туманидаги 5-ўрта мактабнинг биринчи синфига қабул қилинганман. Биринчи ўқитувчим Хадича Холжигитова нафақат менга, балки бутун синфимиз болаларига меҳрибон эди. Болалигимда ўйинқароқ ва шўх бўлганман. Ҳар куни дарсдан кейин у киши мени ўз уйларига олиб кетарди. Ўқитувчимизнинг хонадонларида ҳамма уй вазифаларини бажариб, кейин ўз уйимизга кетардим. Шунинг учун Хадича опани иккинчи онам деб биламан.

Устозим ҳалигача мени тергаб турадилар. Ҳар гал қишлоққа борганимда «докторлик ишини қачон қиласан?», «диссертациянгни қачон ёқласан?» деганлар. Ҳалигача мен учун қайгурадилар.

Ҳамон эсимда, иккинчи синфга ўтган пайтимиз эди. 1-сентябрь куни мен мактабга бормасдан ариқда қум ўйнаб ўтирган эдим. Шу пайт Хадича опа келиб мени ўша ҳолимда уст-бошимни қоқиб тўғри мактабга олиб борганлар. Ушанда муаллимим «сен энди катта бола бўлдинг. Бунақа ўйинларни йиғиштир. Мактабга боришинг керак», деб уқтирганлар.

Мен Хадича опадан, кейинчалик юқори синфда, институтда дарс берган барча устозларимдан миннатдорман. Уларнинг жонқуярлиги эвазига ҳаётда ўз ўринини топдим. Ким билади, ўшанда ариқда қум ўйнаб ўтирганимда Хадича опа индамаганларида ҳозир нима бўларди...

**Сардор РАХИМХОН,**  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:



— Мен пойтахтимиздаги араб тилига ихтисослашган 150-мактабда ўқиганман. Мактабга биринчи борган куним ўқитувчим Саида опа «бўйинг баланд» деб орқа партага ўтказганларидан хафа бўлганман. Ўша пайтларда аълочилар олдинги партада ўтиради деган тушунча ҳам бор эди-да. Бошланғич синфда иложи борича

яхши ўқишга ҳаракат қилганман. Лекин нима учундир олим олаётган баҳоларимдан қониқмасдилар. Катта синфларга ўтганимдан сўнг янада тиришқоқлик билан ўқидим.

Бизнинг мактабда араб тили 2-синфдан бошлаб ўқитиларди. Ўша пайтда Мавлуда опа бизга араб тилидан дарс бера бошлаганлар. Кейинчалик катта синфга ўтганимизда у киши бизга синф раҳбари бўлдилар ва то мактабни битирганимизга қадар бизга бошчилик қилдилар, билим бердилар.

Мактабда таълим берган барча ўқитувчиларимдан миннатдорман. Шу пайтгача эришган барча устозларимда уларнинг ҳиссаси беқиёс.

**Темур АЪЗАМ ёзиб олди.**

## БАРЧАНИНГ МЕҲРИНИ ҚОЗОНГАН ЗОТ

Мамлакатимизда юрт эртасини тарбиялайдиган ўқитувчилар меҳнати муносиб қадрланмоқда. Улар ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан рағбатлантириб келинапти. Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳам ўз электоратининг катта қисми сифатида ўқитувчилар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Уларнинг

касб байрамини жойларда кенг нишонлашга партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳлари ўз ҳиссаларини қўшапти.

Куни кеча Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши томонидан Ўзбек Миллий академик театрида 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан маънавий-маърифий байрам тадбири ташкил этилди. Унда партия Марказий Кенга-

нинг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган устоз мураббийлар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Ўқитувчиларнинг масъулиятли меҳнати ва уларга гамхўрлик кўрсатиш ҳақида давлатнинг диққат марказида, — деди ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси Латиф Гуломов. — «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш

тўғрисида»ги қарори эълон қилиниши соҳадаги ислохотларни муҳим босқичга олиб чиқди.

Бизнинг партиямиз ҳам ўз ижтимоий таянчи ҳисобланган устоз ва мураббийлар манфаатини барча қонуний воситалар орқали ҳар доим ҳимоя қилишга тайёр.

Дарҳақиқат, бугуннинг ёшлари эртанинг эгаларидир. Келажак авлоднинг тарбиялашдек юксак ва-

Пойтахтимизнинг Чилонзор метро бекатидаги гул расталари байрам арафасида одатдагидан ўқувчи ва талаблар ҳамда кичкинтойлар билан гавжум. Ҳамма ўзи учун кадрли, сеvimли бўлган азиз устозларига бежирим гулдасталар танлаш, табиатнинг бу ажойиб тўҳфаси билан уларга олам-олам қувонч бахш этиш учун ошқмоқда.

## УСТОЗЛАРГА ГУЛЛАР ТУТАМИЗ

— Неварам билан унга бошланғич синфда таълим-тарбия берган устози Насиба Набиҳўжаевага гулдаста танлапмиз, — дейди 60 ёшлардаги онахон Мўътабар Маҳмадова.

Қўлида кўзни қамаштирувчи қил-қизил атиргул гуналарини тутиб турган лицей талабаси Дилноза Суннатова эса шундай дейди: — Едимда биринчи синфга борганимда «Р» ҳарфини айтишга жуда қийналардим. Ўқитувчим эса алифбе байрамда худди атайин қилгандек менга айнан шу ҳарфни топширган эди. Кечаси билан ухламай «Р» билан бошланувчи ўша шеъримни тўғри талаффуз қилишга ҳаракат қилиб, бунинг уддасидан чиққанман. Ҳозир ўйлаб кўрсам устозим нафақат ҳарфни тўғри айтишни, балки ҳаётда интилиб яшаш лозимлигини ҳам ўргатган экан. Қўлимдаги гуллар ўша инсонга аталган.

— Бу гулдаста физика ўқитувчимиз Сурайё Шакаровага, дейди Чилонзор академик лицейининг битирувчи курс талабалари. — Сурайё опа уч йил мобайнида бизга энг яқин сирдошимиздек бўлиб қолган.

Шу ўринда бир нарсга ҳаёлимга келди. Мени 1-синфда ўқитган. Челақ шаҳарчасидаги 80-мактаб муаллима-си Саида Мамадова ва бошқа устозларимга гарчи гул совға қилолмасам ҳам уларни байрам билан чин қалбидан табриклайман.

**Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ,**  
«Ўзбекистон овози» мухбири



Ўқитувчилар ва мураббийлар куни арафасида Марғилондаги 2-мактаб директори Мурувват Солимовани табриклагани келганларнинг адоғи йўқ.

Опа 1974 йилда бугунги Фарғона давлат университетини тугатгач, ўқитувчиликни бошлаган эди. Ўтган йиллар давомида унинг шогирдлари орасидан олимлар, етук мутахассислар етишиб чиқди.

Мурувват Солимова педагогик фаолияти тажрибасидан бир неча услубий қўлланмалар яратди.

Мустақиллик йилларида партия фаоли Мурувват Солимованинг номзоди ЎзХДП томонидан бир неча бор халқ депутатлари Марғилон шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди. Ҳар гал у одамлар ишончини қозонди. У ЎзХДПнинг шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи аъзоси сифатида ҳам катта ташкилотчилик ишларини намоён этмоқда.

**Суратда: М.Солимова шогирдлари даврасида.**

## МЕҲР УЛАШИБ ЯШАНГ

дейди Жиззах шаҳридаги 29-Меҳрибонлик уйи тарбиячиси Махфират Қобилова

Тақдирнинг турфа ўйинлари, синовлари бор экан. Шуларга бардош берган, уларни сабот билан енгиб ўтган кишигина ҳаётнинг барча гўзалликларини ҳис қилиб, завқланиб яшашга ҳақли бўларкан. Махфират Қобилова ҳам болаликдан етимликнинг тошдек қаттиқ нонини татиб кўрганлардан. Ҳаёт уни ҳам отасидан, ҳам онасидан жуда эрта айирди. Бир бурда нонга, бир оғиз ширин сўзга зор ўтган кунлари ҳеч ёдидан чиқмайди. Ушанда «Катта бўлсам етим болаларнинг бошини сийлаيمان, уларнинг ўқис қалбларига малҳам бўламан», деб аҳд қилди. Улғайгач, аҳдида турди. Педагогика билим юртини битириб, шаҳардаги Меҳрибонлик уйига ишга кирди. Шу-шу Махфират Қобилова меҳру мурувватни кўмсаб, соғиниб яшаётган болажонлар билан бирга, уларнинг кўзларига нур, қалбларига малҳам бўлишдек эзгу иш билан машғул.

— Бизда 85 нафар болалар тарбияланипти, — дейди Меҳрибонлик уйи директори Нуркул Тоғаев. — Уларнинг ўқиб-ўрганишлар-



ри, камолга етишлари учун ҳамма шарт-шароитлар яратилган. Тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, қайта жиҳозланган ётоқхона, спорт зали, дам олиш ва бошқа ёрдამчи хоналар тарбияланувчилар ихтиёрида, 28 нафар малакали тарбиячи ва анагаларимиз болалар атрофида парвона. Иш жараёнида бирон-бир савол, катта-кичик муаммо пайдо бўлгани, тарбиячилар ҳам, анагалар ҳам Махфират

опани йўқлаб қолишади, у кишидан маслаҳатлар, йўл-йўриқлар олишади.

Опа эса ҳар доим болалар орасида. Гоҳида бировга нималарнидир тушунтираётган бўлади, баъзан эса кимнидир юпатаётган ҳолда топасиз. Болалар ҳам у кишини яхши кўришади. Ҳатто, ҳеч ким билан очиллиб гаплашмайдиганлари билан ҳам опа бир зумда тил топишади. Кимнинг нима гапи бўлса, аввало,

опага айтгиси, ундан ёрдам сўрагиси, у билан маслаҳатлашгиси келади. Опа эса ҳаммаша кўмакка шай. Эҳ-ҳе, ўн етти йил ичида қанчадан-қанча болаларга унинг нафи теғди. Уларнинг аксарияти бугун юртимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларида яшаб, Ватан равнақи йўлида астойдил меҳнат қилишапти. Қўплари бўш вақт топди, дегунча, опага бир энлик хат ёзишади ёки кўнғироқ қилишиб, ҳолаҳвол сўрашади.

— Тўғри, Меҳрибонлик уйида ҳамма шароит бор, — дейди Махфират опа. — Бунинг учун болажон ҳуқуқимизга, болапарвар халқимизга мингдан-миг раҳмат. Лекин, бир нарсга борки, болалар кўпда шу нарсасига муҳтож. Бу нарсаси: ота-она меҳри. Кўп ҳолларда шу меҳрининг ўрни билинади, болаларимиз шунга ташна бўлишади. Демакки, биз — тарбиячи ва анагалар уларга кўпроқ меҳр беришимиз, мурувват улашимиз керак бўлади. Токи, болалар биз орқали она меҳрини, ота мурувватини ҳис қилсин, кўнғиллари таскин топсин. Ахир, бегубор қалб эгалари — болаларнинг борлиги учун ҳам бу дунё гўзал ва файзли эмасми! Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,

«Ўзбекистон овози» мухбири.  
**Суратда: Махфират Қобилова болалар билан.**  
**Донoгул ЖўРАЕВА олган сурат.**

## ҚИШЛОҚ МУАЛЛИМИ

— Биласизми, — дейди «Дўстлик» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Ботир Бобоев. — Темир муаллимни ёшлигидан биламан. Ўз касбини севади, борини болалардан аямайди. Бунинг устига маҳалламизнинг намунали оила бошлиғи саналади. Угли Жаҳонгир Ички ишлар вазирлиги академиясида, қизи Гулноз эса Жаҳон тиллари университетиде ўқишади. Ундан сабоқ олиб, бугун мамлакатимиз қолаверса, хорижий давлатларнинг нуфузли олийгоҳларида ўқийдиганлар ҳам бор.

Шу ўринда бир мисол. Жорий йилнинг июль ойида Германияда бўлиб ўтган ма-

тематика бўйича 50-Халқаро олимпиадада Аброр Пирнафасов ва Азизхон Назаровлар бронза медалига сазовор бўлдилар. Бунда Халқ таълими аълочиси Темир Рўзиевнинг ҳам ҳиссаси бор.

Дарвоқе, ўтган ўн саккиз йил мобайнида мазкур мактаб ўқувчиларининг халқаро олимпиадаларда қўлга киритган медаллари 23 тага етгани, битирувчиларнинг аксарияти мамлакатимиз олийгоҳларига кириб ўқиётгани Темир муаллим ва унинг сафдошлари меҳнати маҳсули.

— Ўн етти йиллик фаолиятим давомида, — дейди Темир Рўзиев ўқувчиларим тарих фани бўйича ўтказилган республика олимпиадаларининг голиби бўлдилар. Бугун мамлакатимизда таълим соҳасида эски қолиплардан воз кечилди, ёш авлоди вояга етказаятган устозлар, ўқитувчиларга эътибор кучайди. Соҳа ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг янги тизими жорий қилиниб, ўқитувчи хурмати ва қадри жойига қўйилди. Касбимдан топган ҳалол маош орқали болаларимни ўқитяпман. Уй-жой, енгил машина бор. Асосийси — эл эъзозиданман. Бундан зиёд бахт борми дунёда.

**Даврон БАҲРОНОВ,**  
«Ўзбекистон овози» мухбири

## СПОРТ SPORT SPORT

Пойтахтимиздаги «Жар» спорт мажмуида ёшлар ўртасида еттинчи, катталар ўртасида учинчи Осиё кубоги баҳслари ўтмоқда. Мазкур нуфузли мусобақада Эрон, Жанубий Корея, Индонезия, Бангладеш, Туркменистон сингари ўн бешдан зиёд давлатларнинг энг кучли оғир атлетикачилари қатнашмоқда. Мурасасиз кечётган баҳсларни Осиё оғир атлетика федерацияси президенти Шайх Султон Бин Нижрин, Бутунжаҳон оғир атлетика федерацияси техник директори Хоротун Чобонёнлар кузатиб боришмоқда.

ят касб этади, — дейди Ўзбекистон оғир атлетика федерацияси бош қотиби Шахрулло Махмудов. — Пекин олимпиадасида оғир атлетикачиларимиздан Шерзод Юсупов (77 кг.) ҳамда Мансур Чашимов (85 кг.) катнашганди. 2012 йилда Лондонда бўладиган навбатдаги ёзи Олимпиада ўйинларида спортчиларимизнинг муносиб иш-



# УМИДИМИЗ ЭРТАНГИ УЧРАШУВДАН

Футбол бўйича Мисрда ёшлар ўртасида ўтказилаётган жаҳон чемпионатида Испания, Венесуэла, Гана, Уругвай футболчилари муддатидан илгари кейинги босқичга йўллангани қўлга киритдилар

Мусобақанинг «Д» гуруҳида тўп сураётган ҳамюртларимиз иккинчи учрашувда чемпионат фаворитларидан саналаётган Уругвай ёшлар терма жамоасига қарши майдонга чиқдилар. Мазкур ўйин олдидан ташкил этилган матбуот анжуманида терма жамоамиз бош мураббийи Аҳмаджон Убайдуллаев журналистлар саволларига жавоб берар экан, унинг шогирдлари кетракли натижани қўлга киритиш учун бор имкониятларини ишга солишини айтганди:

— Рақиб, албатта, жуда ҳам кучли ва у мусобақанинг фаворитларидан бири саналади. Шу сабабли, улардан бир очко тортиб олиш ҳам ижобий натижа ҳисобланади. Аммо унутманг, дуранг учун ўйнаш — бу ўйиндан олдинок ўзини мағлуб этиш дегандир.

Кутилганидек, футболчиларимиз ўйинни ҳужумкор рўҳда бошлади. Аммо ўйин амалиётининг камлиги яқинда барибир натижага салбий таъсир кўрсатди ва учрашув уругвайликларнинг йирик ҳисобдаги ғалабаси билан ўз ниҳоясига етди — 0:3.

Гуруҳдаги иккинчи учрашувда эса ганаликлар Англия ёшлар терма жамоаси дарвозасига жавобсиз тўртта тўп йўллашди — 4:0. Кеча иккинчи тур ўйинлари да-

вом эттирилди. Унда Австралия — Коста-Рика, Бразилия — Чехия, Венгрия — ЖАР, БАА — Гондурас футболчилари ўзаро баҳс юритишди. Бугун учинчи тур ўйинларида Венесуэла — Испания, Таити — Нигерия, Тринидад ва Тобаго — Парагвай, Италия — Миср жамоалари майдонга тушадилар.

Ёшлар терма жамоамиз эртага гуруҳдаги охириги ўйинда англиялик тенгдошлари билан куч синашадилар. Гуруҳдаги иккинчи ўйинда эса Уругвай — Гана ёшлар терма жамоалари гуруҳ пешқадами номини аниқлаб беришади.

Мусобақанинг иккинчи туридан жой олган бошқа учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди:

«А» гуруҳи. Миср — Парагвай — 1:2, Италия — Тринидад ва Тобаго — 2:1.

«В» гуруҳи. Нигерия — Испания — 0:2, Таити — Венесуэла — 0:8. «С» гуруҳи. Жанубий Корея — Германия — 1:1, АҚШ — Камерун — 4:1.




Эслаб ўтамиз, мусобақа нозомига кўра, ҳар бир гуруҳдан иккитадан жамоа тўғридан тўғри кейинги босқичга йўлланма олади. Шунингдек, энг яхши кўрсаткичга эга тўртта учинчи ўрин соҳиби ҳам «плей-офф» баҳсларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Эркин ХОЛБОБО

## ОСИЁ КУБОГИ БАҲСЛАРИДА

Осиё кубоги баҳсларининг дастлабки икки кунда ёшлар ўртасида мусобақалар ўтказилди. Унда қизлар етти, йигитлар саккиз вазн тоифасида ўз маҳоратларини намойиш этишди. Этиборлиси, тажрибали мутахассис Валентин Манушев бош мураббийлик қилаётган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси кўчмаизнинг энг сара спортчилари билан басма-бас баҳс юритдилар. Жумладан, унда ўз вазн тоифаларида Марина Сионова (48 кг.) учта кумуш, Зилола Бўриева (53 кг.) иккита олтин, битта кумуш, Нургул Султонмуродова (58 кг.) учта бронза, Алишер Абдуллаев (62 кг.) иккита кумуш, Бекзод Юсупов ҳамда Бобомурод Чашимов (иккаласи ҳам 69 кг.) биттадан кумуш, Руслан Нуриддинов (85 кг.) иккита олтин, битта кумуш,



Гийсиддин Аҳмедов (94 кг.) битта олтин, битта кумуш медалларига сазовор бўлдилар.

29 сентябрь куни эса катталар ўртасида Х Осиё кубоги баҳслари бошланди. Унда Ўзбекистон терма жамоаси иккинчи таркиби билан иштирок этмоқда.

— Бу мусобақалар иқтидорли спортчиларни саралашда муҳим аҳами-

тирокини таъминлаш мақсадида аниқ чоратadbirlарни белгилаб олганмиз. Ҳадемай, ноябрь ойида Жанубий Кореяда навбатдаги жаҳон чемпионати ўтказилади. Асосий таркиб аъзолари айна вақтда ана шу мусобақага ҳозирлик кўришмоқда.

Мусобақанинг барча голиб ва совриндорлари номи эртага маълум бўлади.

### БУХОРО ВИЛОЯТ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

Мустақил Ўзбекистонимизнинг барча мухтарам ўқитувчи ва мураббийларини касб байрамлари билан самимий муборакбод этади.

Дунёдаги энг машаққатли, айна пайтда шарафли касб эгаси бўлган азиз муаллимлар, қадрли устозлар мана шундай гўзал ва муътабар байрам айёмида Сизларга узоқ умр, бахту саодат тилаймиз.



Байрамингиз муборак бўлсин, азиз касбдошлар!

### ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ

#### ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ

## ХАЛҚ БАНКИ

### Янги «ПАХТАКОР-2»

жамғарилувчи ютуқли омонат турини амалиётга жорий қилди.

«Пахтакор-2» омонат турига маблағлар жисмоний шахслар томонидан миллий валютада камида 50 000 сўм миқдоридан нақд ва нақд пулсиз равишда, йиллик 14 фоиз миқдоридан даромад тўлаш шarti билан 2009 йилнинг 16 сентябридан бошлаб 1 декабрига қадар (1 декабрь ҳисобга олинмайди) қабул қилинади.

Мазкур омонатга фоиз даромади тўлаши билан бирга ютуқлар тиражи ўтказилиб, тираж якунига кўра ютуқлар тўланади. Ютуқлар тиражидан 98 донга 5 250 000 сўмлик пул ютуқлари йўналди.

«Пахтакор-2» ютуқли омонати бўйича ютуқлар тиражи 2009 йил декабрь ойининг иккинчи декадасида ўтказилади.

АХОЛИ ОМОНАТЛАРИНИНГ ДАХЛСИЗЛИГИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНГАН!!!  
Мурожаат учун тел: 150-12-91.  
Хизматлар лицензияланган. Лиц №25.25.01.2003.



### АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ

## ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ

Азиз ва мухтарам устозларни, барча ўқитувчилар ва мураббийларни 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин дилдан муборакбод этади.



Байрам муборак, устоз ва мураббийлар!

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тошкент тиббиёт академияси 3-клиникаси жамоаси клиника Бош шифокори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими Муродин Қодировга қизи Моҳигул ЗОКИРОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

BOSH MUHARRIR:

Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV  
Latif G'ULOMOV  
Asliddin RUSTAMOV  
Bobir ALIMOV  
Sharbat ABDULLAYEVA  
Murodulla ABDULLAYEV  
Ulug'bek MUSTAFOYEV  
Ta'yana KISTANOVA  
(Bosh muharrir o'rinbosari)  
G'afvor HOTAMOV  
(Bosh muharrir o'rinbosari)  
Muslihidin MUHIDDINOV  
Svetlana GERASIMOVA  
Andrey KUSTOV  
Ochilboy RAMATOV  
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti 233-10-13  
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43  
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55  
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56  
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80  
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-32-70  
Buxoroda — 223-06-02  
Gulistonda — 25-46-45  
Jizzaxda — 227-48-35  
Navoiyda — 223-83-73  
Namanganda — 226-43-43  
Nukusda — 222-77-21  
Samarqandda — 35-02-55  
Urganchda — 517-30-58  
Farg'onada — 224-18-78  
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:

100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.  
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Shohaydar MIRHABIBOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.  
Kerakli menali: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 849

8239 nusxada bosildi

1 — T'jorat materiallari

ISSN 2010-7633

O'ZA yakuni — 23.30  
Topshtirgan vaqti — 00.30  
1 3 4 5 6 7 8

Sotuvda erkin narxda